*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 27 (5618).
1 ФЕВРАЛЬ 1985 й.
ЖУМА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ



## САЙЛОВОЛДИ МЕҲНАТ ВАХТАСИ

### ХАЛҚ НОМЗОДЛАРИ

### Зарбдорларча меҳнат қилаяпти

Галина Куликова ўрта мактабни тугатгач, 86-шаҳар ҳунар-техника билим юртига ўқишга кирди. Билим даргоҳини муваффақиятли тугаллаб, у меҳнат фаолиятини Тошкент экскаватор заводида бошлади. Ҳозирги кунда кранчи Галина Ивановна Куликова қуюв цехидаги меҳнат илғорларидан бири ҳисобланади.

Комсомол қиз зарбдорларча меҳнат қилиш билан чекланиб қолмаяпти. У коллективнинг жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этаётир. Цех касаба союз комитетининг аъзоси сифатида маданий-оммавий ишларни ташкил этишда жонбозлик кўрсатаётир.

Корхона коллективи ишлаб чиқаришда ва жамоат ишларида актив фаолияти учун И. Г. Куликовани халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатди.



СУРАТДА: Г. И. Куликова.

М. Нуриддинов фотоси.

# ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

30—31 январь кунлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида шаҳар ва район партия комитетлари биринчи секретарларининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди. «Партия ва давлат интизомини янада мустаҳкамлаш, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашни яхшилаш ҳақида КПСС Марказий Комитети Бош секретари К. У. Черненконинг кўрсатмаларини ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларини бажариш юзасидан шаҳар ва район партия комитетларининг ташкилотчилик ҳамда сиёсий ишларни кучайтириш тўғрисида» Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев доклад қилди.

Семинар-кенгаш қатнашчилари КПСС Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлими секторининг мудири В. И. Бессарабовнинг КПСС ҳозирги кадр сиёсатининг баъзи масалалари тўғрисидаги, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. У. Салимовнинг социал-иқтисодий вазифаларни амалга оширишда маҳаллий Советларнинг ролини кучайтириш ҳақидаги, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодировнинг республика иқтисодий потенциалидан самарали фойдаланиш проблемалари тўғрисидаги докладларини ҳам тингладилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Т. Н. Осетровнинг доклади ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини кадрлар билан мустаҳкамлаш ва жамиятга зид ҳодисаларга қарши курашда партия ташкилотларининг ролини кучайтириш соҳасида шаҳар, район партия комитетларининг вазифаларига бағишланди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Е. А. Айтмуротов партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети 1982 йил май ва 1984 йил октябрь Пленумларининг республика агросаноат комплекси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисидаги қарорларини бажариш юзасидан партия комитетларининг вазифалари ҳақида, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Ҳ. Абдуллаева идеологик, оммавий-сиёсий ишларни янада яхшилаш масалалари тўғрисида доклад қилдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг мудири П. В. Догонкин шаҳар ва район партия комитетлари аппаратининг иш формалари, услуб ҳамда методларини такомиллаштиришнинг баъзи масалалари тўғрисида, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети умумий бўлимининг мудири Қ. Т. Тоиров партия ҳужжатлари билан, меҳнаткашларнинг хат ва аризалари билан ишлашни яхшилаш борасида партия комитетларининг вазифалари ҳақида ахборот бердилар. Ўзбекистон ССР прокурори А. В. Бутурлин республикада қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботга риоя этиш соҳасидаги ишларнинг аҳволи тўғрисида семинар-кенгаш қатнашчиларига ахборот берди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг қарорларини бажариш борасидаги иш тажрибасини ўртоқлашиш чоғида шаҳар ва район партия комитетларининг биринчи секретарларидан бир неча киши сўзга чиқди.

Семинар-кенгаш қатнашчилари Ҳамза ва Коммунистик район партия комитетларининг, «Ташсельмаш» заводи, Тошкент областидаги «Политотдел» ҳамда «Ленинизм» колхозлари партия комитетларининг фаолияти билан танишдилар.

## ПАРТИЯ ПЛАНЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

КПСС Марказий Комитети секретари И. В. Капитоновнинг «Танланган нутқ ва мақолалар» китобига киритилган асарлар КПССнинг ички ва ташқи сиёсати масалаларига бағишланган. Китобни Сиёсий адабиёт нашриёти чиқарди.

Асарда партия қурилишининг марксча-ленинча назарияси, практикаси масалалари, партия ва давлат ишининг актуал проблемалари кўриб чиқилган.

(ТАСС).

24 ФЕВРАЛЬ — СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

## ХАЛҚҚА ХИЗМАТ ҚИЛАЙЛИК

Ўзбекистонда сайловчиларнинг Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзодлар билан учрашувлари давом этмоқда. Нотиқлар шаҳар ва қишлоқларнинг меҳнаткашларини сайлов кунида ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, халқ зиёлиларининг муносиб вакиллари учун аҳиллик билан овоз беришга даъват этмоқдалар.

Учрашувларнинг қатнашчилари ишлаб чиқариш коллективлари сайловни баланд руҳ билан кутиб олаётганликлари тўғрисида, КПСС XXVII съездига, Ғалабанинг 40 йиллигини байрам қилишга умумхалқ тайёргарлиги тўғрисида гапирмоқдалар. Республика меҳнаткашлари ана шу шонли воқеаларни янги меҳнат зафарлари билан нишонлашга ҳозирлик кўрмоқдалар.

Тошкент шаҳридаги **48-Горький сайлов округининг** сайловчилари республика Олий Совети депутатлигига ўзлари кўрсатган номзод— В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг йиғувчи-слесари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Назрилла Маннопов** билан учрашувга келдилар.

Депутатликка номзодлар сайловчиларнинг юксак ишончини оқлаймиз, деб ваъда бердилар.

(ЎзТАГ).

## *ЭРТАГА ИШЧИ ВА ҚИШЛОҚ МУХБИРЛАРИНИНГ V РЕСПУБЛИКА СЪЕЗДИ ОЧИЛАДИ*

# СЪЕЗД ДЕЛЕГАТЛАРИГА ҚИЗҒИН САЛОМ!



СУРАТДА: «Оқшом» газетасининг актив муаллифлари бўлмиш турли касбдаги кишилар — олимлар, инженерлар, уруш ва меҳнат ветеранлари, санъатшунос ва ишчилардан Л. Мосиводова, В. Титов, || Т. Одилбеков, А. Броништейн, Б. Валиев, М. Савельев. М. Аҳмедов, Д. Султонова,

Т. Каримов фотоси.

**Газетхонларнинг, телетомошабинларнинг, радио тингловчиларнинг хатлари, ишчи ва қишлоқ мухбирларининг хабарлари жамоатчилик фикрининг сезгир барометридир, омма фикрлари, тажрибаси, ташаббускорлигининг азим дарёсидир.**

**К. У. ЧЕРНЕНКО.**

## СЎЗ—СЪЕЗД ДЕЛЕГАТЛАРИГА

### МУНОСИБ ФИКРДОШИМИЗ

**В. А. ТОЛСТОВ,**
**«СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси 20-цехининг ишчиси.**

— Узоқ йиллардан буён «Тракторостроитель» кўп нусхали газетаси билан ҳамкорлик қилиб келяпман. Баъзан танқидий материалларни ҳам ёзишга тўғри келади. Лекин бирорта цех раҳбарлиги газетага жавоб йўлламаганлигини билмайман. Демак, газетанинг сўзи таъсирчан бўлган. Бу ҳамиша ишчи-мухбирни қувонтиради.

Газетага мунтазам ёзиб турадиган чинакам мухбир ўз ўртоқларининг ҳурматига сазовор бўлади. Улар ўзларининг мухбири қандай ишлаётганлиги ва меҳнат қилаётганлиги билан ҳақли равишда қизиқишади. Матбуот сўзининг қудрати, обрўси ғоятда кучли. Мен Близнецова бошчилик қилаётган илғор бригадада меҳнат қилаётганлигим билан фахрланам: смена топшириқларини ошириб бажараётирман. Штатсиз мухбир корхонадаги яхши хайрли ишларнинг олдинги маррасида турмоғи керак.

Сайловолди кампанияси авж олган шу кунларда агитпунктлар иши, депутатликка номзодлар ҳақида кўплаб ёзаяпман. Корхонамизда жуда кўп меҳнат илғорлари ишлашади. Уларнинг илғор иш методларини пропаганда қилиш, энг яхши илғорлар ҳақида матбуот саҳифасида ҳикоя қилиб бериш ишчи мухбирнинг бурчидир.

### МАВЗУГА САДОҚАТ

**Л. МАТКАРИМОВА,**
**«Узавтотранстехника» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг инженери.**

— Ишчи-мухбир сифатида ижобий тажрибалар, бригада методи, экономика ва тежамкорлик, атроф-муҳит муҳофазаси тўғрисида мақолалар ёзмоқдаман. Мавзулар ранг-баранг. Уларнинг ҳар бирига садоқат, изчиллик билан ёндошиш лозим. Муносиб ютуқларга эришган илғор коллективнинг иш тажрибаларини газета саҳифасига олиб чиққанингда беҳад қувонасан. Чунки одамлар қимматли тажрибадан намуна олишади. Баъзан сенинг ўзинг ҳам бундай муносиб коллективнинг кичик бир аъзоси бўлганлигинг билан фахрланасан.

Ишчи-мухбир қўлига қалам олишдан аввал мавзуни чуқур ўйлаши, яратиладиган мақола ҳақида мукаммал фикр юритиши лозим. Газета билан ҳамкорлик қилиш унинг саҳифаларида муҳим ва керакли мақолаларни эълон қилиш имконини беради. Корхоналарда, ишлаб чиқаришда топшириқлар мунтазам ошириб бажарилади, яхши рекордлар ҳам қўйилади. Бундай ютуқлар учун матбуотнинг сўзи жуда ҳам керак. Унинг аҳамияти бебаҳодир. Матбуот сўзи меҳнаткашни руҳлантиради, уни янги зафарлар сари чорлайди. Камчиликларни фош этишда ёрдам беради. Бир сўз билан айтганда матбуотнинг қудратли сўзи сув ва ҳаводек зарурдир.

### ИЖОДИЙ ҲАМКОРЛИКДА

**Т. ОДИЛБЕКОВ,**
**«Узсофпроф» союзлараро ҳаваскорлик ижодиёти уйининг тасвирий ва манзарали-амалий санъат бўлими мудири, санъатшунос.**

— Ўттиз йилдан буён «Правда Востока», «Комсомолец Узбекистана» газеталари билан мухбир сифатида ижодий ҳамкорлик қилиб келяпман. Матбуотга бўлган муҳаббат мени «Тошкент оқшоми» газетаси билан 19 йилдан буён дўстона боғлаб турибди. Ҳаваскорлик ижодиёти тўғрисида, бўш вақтини рангтасвир санъатига бағишлаган ҳаваскор рассомлар тўғрисида ёзаяпман. Редакцияда бизларни яхши билишади, бизлар билан маслаҳатлашиб иш кўришади.

Шаҳримизда ишчилар, студентлар ва мактаб ўқувчилари шуғулланадиган талай тасвирий санъат студиялари бор. Бу ижодий коллективлар тез-тез ўз асарларининг кўргазмасини ташкил этишади. Булар ҳақида ёзиб туриш ҳамиша қизиқарлидир.

Ҳаётимиз ранг-баранг воқеаларга ниҳоятда бой. Бу воқеаларнинг барчасига ҳам улгуриш қийин. Шунинг учун ҳам биз штатсиз мухбирларнинг газетага бериб келаётган ёрдамимиз бебаҳодир.

Совет матбуотининг ленинчи анъаналаридан бири — унинг газетхонлар, кўп сонли авторлар активи билан алоқасининг кенгайиб бораётганлигидир.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

## ИШЧИ-МУХБИРЛАР ОВОЗИ

**«Газета — коллектив пропагандист ва коллектив агитаторгина эмас, балки шунингдек коллектив ташкилотчи ҳамдир». Доҳиймиз Владимир Ильич Лениннинг газета ҳақида айтган бу сўзлари бугун алоҳида аҳамият касб этмоқда.**

**Газетанинг ташкилотчилик ва сафарбар этувчилик кучи биринчи навбатда уларда ишчи ва қишлоқ мухбирларининг актив иштирок этишига ҳам боғлиқ. Ҳаётий воқеалар ичида бўлган ишчи-мухбирлар турли янгиликлар, коллективларда туғилаётган илғор тажрибалар ҳақида газетхонларга ўз вақтида хабар бериб туради. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Константин Устинович Черненко ўз нутқлари ва мақолаларида матбуотнинг амалий кучи ва аҳамиятини кўп бор таъкидлаган эди.**

**Тошкентнинг «Оқшом» газеталари ҳам ишчи-мухбирлар билан мустаҳкам алоқа боғлаган. Кекса шарқшунос олим Шорасул Зуннуннинг одоб-ахлоқ, янгича анъаналар мавзуидаги мақолалари газета саҳифаларида мунтазам ёритиб келинмоқда. Пенсионер Т. Нажмий, ишчи М. Ҳакимов, давлат стандартлар бошқармаси ходими Г. Воҳидова, юрист А. Ҳасанов, олим М. Зокиров, инженер-технолог О. Каримова, врач З. Эгамбердиев, ўқитувчи С. Султонов ва бошқа кўпгина жамоатчи-мухбирлар кўп йиллардан буён газетамиз билан ҳамкорлик қилиб келишмоқда. Уларнинг турли мавзудаги лавҳа ва хабарлари, мақолалари меҳнатдаги ўртоқлари, ҳамкасблари ҳақидаги жонли, ҳаяжонли ҳикоялардир.**

**Ишчи-мухбирларнинг мақолаларида мавжуд ютуқ ва камчиликлар ҳақида ҳикоя қилиниши билан бирга, аҳволни яхшилашнинг конкрет йўллари ҳам таклиф сифатида кўрсатилмоқда. Редакция ҳар куни юзлаб хатлар олади. Қуйидаги рақамлар бундан гувоҳлик беради: ўтган йили «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари редакцияси оқшомхонлардан 21 мингга яқин хат олди. Январь ойида эса икки мингга яқин хат олинди. Жамоатчи авторларимизнинг хатлари асосида тайёрланаётган обзорлар, туркум материалларга мутасадди раҳбарлар жавоб беришмоқда.**

**КПСС XXVII съездига тайёргарлик кўрилаётган ҳозирги пайтда ҳаёт олдимизга янгидан-янги вазифалар қўймоқда. Бугун кечаги кун билан яшаб бўлмайди: эртанги кунга аниқ назар ташлаш, мавжуд камчиликларни тез бартараф этиш, ҳаётимизга ёт бўлган иллатларни йўқотиш бугунги куннинг бош вазифасидир. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми бу борадаги вазифаларни кун тартибига аниқ ва равшан қилиб қўйди. Пленум қарорлари жуда кўпчилик ишчи-мухбирларнинг янада аниқ фаолият олиб боришлари учун ҳам муҳим дастурламал бўлди.**

**Бу йил бутун мамлакатимиз сингари Ўзбекистон пойтахти аҳолиси учун ҳам муҳим саналарга бой йилдир. Республика Олий Совети ва халқ депутатлари маҳаллий Советларига бўладиган сайловларга оз вақт қолди. Биз Улуғ Ватан урушида қозонилган Буюк Ғалабанинг 40 йиллигини, стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигини нишонлаймиз. КПССнинг XXVII съездига катта тайёргарлик кўрилмоқда. Бизнинг меҳнат ютуқларимиз ана шу муҳим саналарга энг яхши совға бўлади.**

**Эртага республикамиз ишчи ва қишлоқ мухбирлари ўз съездига йиғиладилар. Бу улкан анжуманда ишчи-мухбирларнинг конкрет вазифалари аниқланиб, уларни бажариш йўллари белгилаб олинади. Биз шунга аминмизки, бизнинг ишончли ёрдамчиларимиз ва дўстларимиз бўлган ишчи-мухбирлар Ўзбекистон пойтахтида амалга оширилаётган ишлар, янгиликлар ҳақидаги хат-хабарларингиз, материалларингиз билан газетхонларимизни хурсанд қиласизлар.**

(Бош мухбирларимизнинг материаллари асосида тайёрланган хатлар саҳифасини 2-бетда ўқийсиз).

## МУЗИКАЧИЛАР КОНКУРСИ

БУГУН

**Республика Маданият министрлиги Ўзбекистон пианиночилари ва музикачиларининг навбатдаги анъанавий конкурсларини бошлади.**

Шундай қилиб, Тошкент Давлат консерваторияси, «Баҳор» концерт залларида республикамизнинг турли областларидан келадиган истеъдодли санъат усталари беллашадилар. Улар жаҳон, совет ва ўзбек композиторларининг сара асарларини ижро этиб, истеъдодларини намойиш қиладилар.

Конкурс ғолиблари келгусида Бутуниттифоқ миқёсида бўладиган маҳорат кўрикларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритадилар.

## ШУ КУННИНГ НАФАСИ

### *Бугун Тошкентда:*

«Узвторцветмет» республика ишлаб чиқариш бирлашмасининг Сергели районидаги алюминий қотишмалари заводида замонавий такомиллашган янги линия ишга туширилди. У алюминий шлакларини қайта ишлаш натижасида чиқиндининг таркибида қолган барча соф алюминийни тозалаб олади.

●

Грампластинкалар заводида хом ашё тайёрлайдиган янги автоматик линия ишга туширилди. Бу такомиллашган ускуна корхонанинг бир маромда ишлашини, бошқа цехлардаги дастгоҳларнинг бўш туриб қолмаслигини, хом ашёни ўз вақтида етказиб беришни таъминлайди.

### ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 7 даража иссиқ бўлди. Бугун кечаси 2—4, эртага кундузи 9—11 даража иссиқ бўлади.

● ШАХМАТ БЎЙИЧА СССР 52-ЧЕМПИОНАТИ

## *КУРАШ КЕСКИНЛАШМОҚДА*

Ригада ўтаётган шахмат бўйича мамлакат 52-чемпионатида пешқадамлик учун кураш кескинлашмоқда. Бу баҳсда тошкентлик халқаро гроссмейстер Георгий Аъзамов ҳам иштирок этаётганлиги қувончлидир. У кечиктирилган икки партияни якунлади. Минсклик халқаро гроссмейстер Виктор Купрейчикни енгди. Вильнюслик халқаро гроссмейстер Виктор Гавриковга эса имкониятни бой берди. Аммо унинг мавқеи ёмон эмас. Пешқадамлардан фақат ярим очко ортда бормоқда.

БУГУН

**мамлакат биринчилигида еттинчи тур ўйинлари бўлади. Г. Аъзамов халқаро гроссмейстер Адриан Михальчишинга қарши дона суради.**

